ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00189

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ДУНЁҚАРАШИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Ш. Шодмонов
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мактаб ўқувчиларининг дунёқарашини ривожлантирувчи омиллар ва унинг воситалари қисқача кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: мактаб, дунёқараш, педагогика, таълим**,** психология.

FACTORS THAT DEVELOP SCHOOLCHILDREN'S WORLD VIEWS

S. Shodmonov
Teacher of National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ABSTRACT

This article briefly discusses the factors and tools that develop the worldview of schoolchildren.

Keywords: school, worldview, pedagogy, education, psychology.

КИРИШ

Бугунги кунда мактаб ўқувчилари дунёқарашини ривожланишида иштирок этадиган факторлар ичида социал тармоқларнинг улуши қолган барча омилларга нисбатан анча ортиб кетганини ва бунда ўқувчилар дунёқарашини ривожланишида – социал тармоқлардаги хавфлар ва хатолар ҳақида маълумот бериш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар билан таништириш масаласи жуда муҳим эканлиги барчага маълум.

Аслида, дунёқараш - бу бир киши, ижтимоий гуруҳ, синф ёки бир бутун жамият йўналишини белгилаб берувчи қарашлар, эътиқодлар принципларининг йиғиндиси бўлиб, у кўп қиррали жараён сифатида маънавият ва қадриятларимизга асосан шаклланади.

Дунёқараш тушунчаси - бу одамнинг дунёга нисбатан ва унинг дунёдаги ўрнига нисбатан бўлган қарашлар тизими, мулоҳазалар ва ҳаёлий ғоялар тизими, инсоннинг атрофидаги ҳақиқат ва унга бўлган муносабат, шунингдек инсонларнинг асосий ҳаётий позициялари, эътирофи, идеаллари, идрок ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00189

фаолият тамойиллари, бу нуқтаи назардан келиб чиқадиган қиймат йўналишларидир.

МЕТОДОЛОГИЯ

Шундай экан, дунёқарашни ривожлантиришнинг аҳамияти аввало ўқувчининг атрофидагилари, унинг ўқув жамоаси, унинг ўқитувчиси, замондошлари фикри ва унинг ўз ҳатти-ҳаракатларидан келиб чиқади.

Педагогикада бу жараён учун ягона рецепт йўқ, чунки битта усулни битта одам қўллаганда у муваффақиятли чиқиши мумкин. Бунда болалар очилиб, яйраб кетиши мумкин. Лекин бошқа одам қўллаган усулни яна бир бошқаодам қўлласа у мутлақо бошқа натижани бериши мумкин, чунки ҳар бир одам ўзига хос.

Охирги вақтларда мажбурий инновациялар кўпайиб кетмоқда. Интерфаол, деса ҳамма интерфаол дарс ўтишга мажбур бўлаяпти, педагогик технологияни қўллаш керак деса ҳамма бир хил қўллаши керак бўлиб қолмоқда. Ўқитувчи топшириқ бажарадиган мутахассис бўлиб бормоқда. Аслида ўқитувчи масала қўядиган мутахассис бўлиши керак, топшириқ қўядиган эмас.

Замон ривожланиб, ўзгариб борар экан, шунга яраша таълим тизимини ҳам шу омилларни ҳисобга олган ҳолда ўзгариши, модернизация бўлиб бориши керак.

Бугунги кунда ҳар бир одамни тармоқларга қўяётган расмларига қараб у ҳақда деярли тўлиқ маълумот олиш, унинг психологик портретини чизиш мумкин. Унинг ичидаги яширин истаклари ва ғояларини билиш мумкин. Истаграм, Телеграм, Фейсбук каби социал тармоқларга биз киритаётган ҳар бир маълумотимиз Ўзбекистонда сақланмайди, балки ўша дастур ишлаб чиқарувчи давлатда туриши, интернетга киритилган ҳар қандай маълумотнинг абадий қолиши, бу маълумотлар бошқа давлатлар хавсизлик хизматлари базаларига тушишини ҳеч қачон унутмаслик керак.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Социал тармоқлар ҳозирда жуда катта имкониятлар бермоқда. Бугун одамлар бемалол ўз ғояларини катта масштабларда олға суриши мумкин. Бу имкониятлардан фойдаланиш яхши ниятли инсонлар учун ҳам, ёмон ниятли инсонлар учун ҳам бирдек очиқ. Масалан аввал бирон бир тадбир ёки митинг учун одамлар ойлаб ёки йиллаб таёргарлик қилган бўлсалар, бугун социал

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00189

тармоқлар туфайли бунга бир неча дақиқадан тортиб бир неча соатгача кифоя. Бу ўз навбатида хушёрликни янада оширишни тақозо этади.

Бугун социал тармоқлар сарҳадларида камида 3-4 соатга йўқолиб қолиш мумкин. Тармоқларда бундай узоқ қолиб кетиш эса албатта инсонга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бу вақт инсонга қандай таъсир қилиши эса – фақатгина унинг ҳаракатларига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий тармоқлар замонавий ёшларга ижобий таъсир қилиш билан бир қаторда салбий таъсир қилиши қам мумкин ва бугунги кунда айнан салбий омилларнинг сафи кенгайиб бормоқда.

Ижтимоий тармоқларнинг афзалликлари кўп, уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- дўстлар, танишлар ва синфдошларни топиш имконияти
- шахс сифатида танилиш имконияти
- социал тармоқларда ҳамфикрларни излаш
- одамлар ўзлари тўпланган тажрибасини ёки ҳаёт ҳақидаги фикрларини ўзаро алмашишлари мумкин бўлган фойдали гуруҳлар мавжудлиги
- камёб ёки сизга керакли видеофайллар, мусиқа файлларини топишингиз мумкин бўлган катта маълумотлар базаси ва ҳ.к.

Ижтимоий тармоқлар салбий таъсирининг асосийларига компютернинг ёки телефон қаршисида, айнан ижтимоий тармоқларда кўп қолиб кетиш организмга асосий зарарли таъсирлари мавжуд:

- букчайиб ўтириш, узоқ вақт давомида бир шаклда ўтириб қолиш,
- электромагнит нурланишларнинг таъсири (замонавий мониторлар саломатлик учун анча хавфсиз бўлиб қолди, аммо ҳали тўлиқ эмас. Монитор атрофида электростатик ва электромагнит майдонлари бор, монитордан жуда оз миқдорда рентген нурлари ҳам таралади),
- кўзнинг чарчаши ва унга тушадиган зўриқиш (айнан кузга тушадиган зўриқиш туфайли ўқувчиларда қисқа вақт ичида бош оғриғи ва бош айланиши кузатилади. Экран қаршисида узоқ вақт давомида қолиб кетиш, кўзга тушадиган зўриқиш, кўриш қобилиятининг кескин пасайишига олиб келиши мумкин),
- панжа бўғимларининг зўриқиши (панжа бўғимларига тушадиган ҳаддан ортиқ доимий зўриқиш қўлнинг жароҳатланишига ва қўллардаги шикастланишларга олиб келиши мумкин, кейинчалик эса бу ҳолат сурункали касаллик ҳолатига ўтиши мумкин),

Ижтимоий тармоқларнинг ментал салбий таъсирига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00189

- маълумот йўқотилганда стресс қолатига тушиш (компютер системаси ишидаги ҳатоликлар ёки бошқа сабаблар туфайли унинг баъзи ҳолларда қотиб қолиши ёки секин ишлаши туфайли керакли маълумотларнинг йўқолиши асабийлашишга, босим кўтарилишига ва уйқунинг ёмонлашишига олиб келиши мумкин),

- виртуал дунёга боғлиқлик,

- ахборотнинг очиқлиги (фойдаланувчилар ўзлари ҳақида маълумотни осонгина қўшишлари мумкин, бу маълумотлар эса “ёмон ниятли” кишилар томонидан ҳам ишлатилиши мумкин)

- руҳий касалликлар (ҳақиқий ҳаётидаги ва бошқа одамлар билан мулоқот қилишида муаммолари бўлган ўқувчи унга етишмаётган нарсаларни китоблардан, телевизордан, компьютердан ва социал тармоқлардан излайди. Шунинг учун, баъзан у бутун олам дунёсини эсдан чиқариб, компютер дунёсига тўлиқ кириб кетади. Социал тармоқларда мулоқот қилади, ўсмир турли гуруҳларга, субмаданиятларга қўшилади, шубҳали кишилар билан учрашади. Буларнинг барчаси, афсуски, беқарор руҳга ва ҳатто осонликча ишониб, таъсирланадиган ўсмирнинг ҳаётига таъсир қилиши эҳтимоли юқори)

Ўсмирларнинг социал тармоқларда мулоқот қилишининг яна бир салбий томони - ҳақиқий дунёда мулоқот имкониятларини чеклаши. Кўпинча, интернетда ўта муваффақият билан бошқа инсонлар билан танишишга одатланган ўсмирлар ҳақиқий дунёда муаммоларга дуч келишади. Аҳир интернетда бола ўзи учун бирон-бир ролни танлаши мумкин, ўзини янада яхшироқ, чиройли ва мукаммал қилиб кўрсатиши мумкин.

Ижтимоий тармоқларда сунъий дўстлар ўсмирларни аслида ҳақиқий дўстликнинг қандай бўлишини билиш имкониятидан маҳрум қилади. Афсуски, сўнгги пайтларда дўстлик тобора кўпроқ ҳақиқий дўстлар сони билан эмас, балки виртуал дўстлар сони билан ўлчанадиган бўлиб бормоқда.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ижтимоий тармоқлар - бугунги кунда интернетга сарф қилинадиган вақтнинг кўпайиб бораётганининг асосий сабабидир. Уларнинг асосий афзалликлари - фойдаланувчининг ўз нуқтаи назарини, қизиқишларини ҳақида эълон қилиш ва бошқалар билан бўлишиш имконияти ҳисобланади.

Ижтимоий тармоққа боғланиб қолишнинг зарар томонларидан яна биттаси бу ўқувчиларда реал мулоқот қилиш хоҳиши камайиб, ўз фикрини билдиришдан қўрқадиган, билдиролмайдиган, жамоатчиликдан қўрқадиган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00189

одам турига айланиб бориши, шахс сифатида ўлиб, ўз қобиғига ўралиб бориши ҳисобланади.

Юқоридагилар ижтимоий тармоқларни нафақат алоқа воситаси, балки кучли маркетинг воситаси деб ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, тадқиқотчилар яқинда улар исталган турдаги фаолиятини амалга оширишдаги ажралмас восита бўлишига ишонмоқдалар. Ижтимоий тармоқлар норасмий алоқа учун платформа бўлиб хизмат қилади, янги мусиқа яратишга ёрдам беради, ходимлар ва ҳамкорларни топишда жиддий восита бўлиб хизмат қилади. Техник нуқтаи назардан қаралганда ижтимоий тармоқ – бу мазмуни тармоқ аъзоларининг ўзи томонидан тўлдирилиб бориладиган интерактив кўп фойдаланувчилар веб-сайти ъисобланади.

Юқоридаги келтирилган барча маълумотларни умумлаштирган ҳолда социал тармоқлардан узоқ ва мақсадсиз фойдаланиш натижасида ўқувчиларда юзага келиши мумкин бўлган қуйидаги ҳолатларни келтириб ўтамиз:

Ижтимоий муаммо сифатида,

- ижтимоий тармоқларнинг аддиктивлик муаммоси,
- интернет ва ижтимоий тармоқларга меёрдан ортиқ маблағ сарфлаши
- жонли мулоқотнинг камайиши натижасида нутқ, гаплашиш одоби билан боғлиқ бўлган муаммолар, оғзаки мулоқотнинг камайиши, ораторликнинг пасайиши ва йўқолиши.

Соғлиқ билан боғлиқ муаммолар.

- кўз нурининг пасайиши билан боғлиқ,
- бармоқ касалликлари,
- уйқунинг бузилиши ва унинг оқибатида келиб чиқаётган муаммолар тўплами,
- соғлом ҳаёт тарзининг бузилиши (камҳаракатлик, эринчоқлик).

Психологик муаммолар.

- камгап, одамови бўлиб қолиш,
- жамиятдан ажраб қолиш, ётлашиш
- хақиқий муносабатларнинг етишмаслиги
- эгоистик бўлиб қолиш, Одамнинг иккинчи образи “мен”и шаклланиб қолиши
- агрессивлик
- оиладаги муҳитга тасири

Ҳуқуқий соҳадаги муаммолар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00189

- назоратсизлик, жазога тортилмаслик, интернетда юз берадиган фаолиятга четдан инвазиянинг камлиги,

- оқимлар,

- ёшлар орасида жиноятчилик.

Билим билан боғлиқ муаммолар

- бугунги кунда аксарият ёшларнинг ёзув ва ёзиш билан боғлиқ фаолиятлари электрон клавиатура билан ҳамкорликда ўтаётгани натижасида ҳуснихат бузилиши ёки умуман йўқолиши.

- янги маълумотларни кам ўзлаштирадиган, янгиликка интилмаслик,

- люмпенликнинг авж олиши.

- социал тармоқлардан узоқ фойдаланиш ижодкорликни сусайтиради.

- мияни янги маълумот олишга бўлган кунлик норма миқдорини сурункали равишда кераксиз маълумотлар билан тўлдириб бориш.

ХУЛОСА

Хуллас, бугунги ўқувчиларнинг дунёқарашини ривожлантирувчи энг муҳим омиллардан саналган ижтимоий тармоқларни жиддий тадқиқ қилиш ва ундан бугунги кун ўқувчилари учун фойдали хулосалар яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

REFERENCES

1. Professional social networks provide work for every third user, Open Systems (March 12, 2013). Retrieved February 26, 2017.
2. Gilster P. New Internet Navigator: Per. - Kiev: Dialectics, 1996. - 495 p.
3. “Pros and Cons of Social Networks." [Electronic resource]: URLhttp://vse-v-inete.ru/articles/plyusy-i-minusy-sots setei.html;
4. Russia in social networks: what is the damage from virtual life. TASS. Retrieved February 26, 2017.
5. Brown S. “Mosaic” and “World Wide Web” for Internet access: Per. English - M .: World: Malip: SK Press, 2009 .167 p.